

## VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 541 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

### Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари (2018 йил январь-сентябрь ҳолатига)

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	млн.сўм	жамига нисбатан фоизда
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>541</b>	<b>100,0</b>	<b>173159,9</b>	<b>100,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	37	6,9	4461,7	2,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	43	8,0	3171,0	1,9
Бухоро	20	3,7	6055,8	3,4
Жиззах	29	5,3	4122,3	2,3
Қашқадарё	50	9,2	3826,0	2,2
Навоий	9	1,7	1073,1	1,0
Наманган	36	6,7	9647,7	5,6
Самарқанд	45	8,3	7922,5	4,6
Сурхондарё	70	13,0	3067,6	1,8
Сирдарё	21	3,9	1833,6	1,0
Тошкент	119	22,0	11391,3	6,5
Фарғона	19	3,5	7400,6	4,2
Хоразм	35	6,4	3913,4	2,2
Тошкент ш.	8	1,4	105273,3	60,7

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 119 та (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 22,0 %), Сурхондарё вилоятида – 70 та (13,0 %), Қашқадарё вилоятида – 50 та (9,2 %), Самарқанд вилоятида – 45 та (8,3 %), Андижон вилоятида – 43 та (8,0 %), Қорақалпоғистон Республикасида – 37 та (6,9 %), Наманган вилоятида – 36 та (6,7 %) Хоразм вилоятида – 35 та (6,4 %), ни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби**  
(жамига нисбатан % да)



Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 431 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 79,6 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 54 та объект (9,9 %), Халқ таълими вазирлиги – 18 та объект (3,3 %), “Навоий кон металлургия комбинати” ДК – 10 та объект (1,8 %) ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига – 3 та объект (1,0 %) тўғри келади.

2018 йилнинг январь-сентябрида давлат мулкани сотишдан тушган тушумлар 173,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида республика ҳудудлари кесимида давлат  
мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби**  
(жамига нисбатан % да)



Ҳудудлар кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 60,7 %), Тошкент (6,5 %), Наманган (5,6 %), Самарқанд (4,6 %), Фарғона (4,2 %), Бухоро (3,4%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат нотузаржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2018 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 26,9 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 10,1 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумлари жами 97,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 51,4 %), Андижон (5,0 %), Тошкент (6,7 %), ва Хоразм (4,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

